

## Меҳр ила қалбларни ишғол этган олим



13:42 / 12.03.2018 5936

Бу жумлалар азиз сиймони хотирга олиб, ўша кунларга хаёлан яна бир бора қайтиш мақсадида ёзилмади. Зотан кечаги куннинг эмас, доимо бугуннинг, воқеъликнинг эътиборини қилган, шу ила уммат истиқболининг ғамини еб яшаб ўтган бу сиймони бугун шунчаки бир хотирлаб, эртага унутсак, адолат бўлмайди. У кишини бугун ёд этиб, кўз ёшимиз денгиз мислича бўлганидан кўра, ўзимизга у зотнинг кўзлари ила бир қараб қўйсак – ўша яхшироқ, фойдалироқ, биз нотавонларнинг қилган дуосиданда у кишига нафлироқдир.

Чамамда 1989-йил эди. Атроф дунёни синчковлик ила ўрганаётган ўсмир эдим. Ўшанда биринчи бор у кишини телевизорда кўрдим. Кўзлари, юзлари, сўзлаш услублари – ҳаммасини синчковлик билан кузатардим, ўрганардим. Бу одам мен ўсмирга ёқди, ишонч пайдо қилди. Нега денг. Чунки бу сиймо суратининг замирида, ортида бир олам меҳр бор эди. Ҳа, айнан ўша нарсани – ҳеч бир асбоб билан аниқлаб бўлмайдиган нарсани ўсмирнинг синчков, ташна назари илғаб олган эди.

Меҳр моддаси турлича бўлади. Онанинг қалбига Робб таоло Ўзи жойлаб қўйган она меҳри бор, ёнингизда сизга мудом яхшилик қилиб турадиган кишига миннатдорчиликдан ҳосил бўладиган меҳр бор. Аммо яна бир тури бор, уни изоҳлашга ожизмиз – буюк, ажиб сирдир у. Битта миллатнинг

меҳрини битта юракка... сиғдирадиган меҳр. У – ҳақиқий олимларнинг меҳри. Тунда ухламай жаннату дўзах орасида юриб чиқиб, тонгда тўшагидан турганда бир инсга қаттиқ ҳукм чиқаришнинг вазини билиб олганларнинг меҳри. Ҳақиқий ИЛМ танидан вужудга келадиган, гўё она танидан бола туғилганидек, меҳр.

Бу зотларнинг халқ орасида қозонилган меҳру муҳаббатининг, дунё бўйлаб қозонилган ҳурматининг, илмий соҳада эришилган муваффақиятининг сирини ўрганмоқчи бўлиб, овора бўлишлар бор. Чунки сабабларни излашда ҳам... синов бор. Ҳақиқий, нурли илм инсоннинг миясида ҳосил бўлади деб ўйлаб, **қалбларни** ёритувчи илм фақатгина меҳр-муҳаббатга тўла **қалбларда** ошён қуришини англамай, синовдан ўтолмай ютқазилар бор.

Бу ютқазиларнинг натижасида кўримсиз манзаралар ҳосил бўлади.

Бундай зотларнинг кенг елкаси ортида тиним топган барча учун бу елканинг ғойиб бўлиб қолиши – бу ҳам синов дунё бўлмиш бу дунёнинг синовидир. Қалбларнинг синовидир. Улар тунда босиб ўтган жаннату дўзахнинг йўли – улар қолдирган васиятдир. Бу васият олинмаса ҳаво бемехрликка тўлади.

Бугун ҳолатимизни таҳлил қилмоғимиз, назаримизни қалбимизга йўналтириб, ҳаёти кўзимизда ўтган Олимнинг қалби билан тафовутни сезишимиз даркор. Мазкур тафовутни англаб, ўзимизни тuzатсак енгил тортганимизни ҳис этамиз, ишимиз ривож топади, кўнгилсиз манзаралар барҳам топади, иншааллоҳ.

*Муҳаммад ШАКУР*